

## МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ ПРИНЦИПЛАРИ

А. А.Жалилов,

Ш.Т. Кодирова

Навоий давлат педагогика институти

**Калит сўзлар:** математика ўқитиши принциплари, илмийлик, тарбиявийлик, кўргазмалик, онглилик, фаоллик, пухта ўзлаштириш, системалик, кетма-кетлилик, мослик, табақалаштириш ва индиви-дуаллаштириш.

1. Педагогикада умумий **таълим принципларини** математика ўқитиши жараёнига қўллаш мактаб ва умуман ўқув юртларида математика ўқитишига қўйиладиган ягона талаблар мажмуасидан иборат. Бошқача айтганда, математика ўқитишига жамият ва фан қўядиган асосий талабларни ўз ичига олади. Математика ўқитиши услубияти бу принципларни қўйидагича белгилайди: а) илмийлик; б) тарбиявийлик; в) кўргазмалик; г) онглилик ва фаоллик; д) пухта ўзлаштириш; е) системалик ва кетма-кетлилик; ж) мослик; з) табақалаштириш ва индивидуаллаштириш.

Умуман олганда, математика ўқитиши принциплари мактабда ўқитиши- нинг жамият талабларига мос равишда қандай амалга оширилиши ва бунда асосланиладиган асосий талабларни ўз ичига олади.

**Илмийлик принципи** математика ўқитиши мазмунининг илмий бўлиши, математиканинг ҳозирги аҳволи ва унинг ривожланишини объектив акс эттиришни ифодалайди. Моҳияти ўқитиши мазмуни ва ўқитиши усуслари ҳозирги пайтдаги математика фани савияси ва талабларига мос келишини таъминлашдан иборат. Масалан, математик тушунча ва хукмларни ифодалашда илмий равишда тўғри ёндашиш ҳам бунга киради. Бундан ташқари, ҳар бир математик ҳукмга танқидий қараб, у асосланган бўлса ҳам исбот деб қарамаслик, таъриф ва теоремаларни бир-биридан ажратади. Масалан, бирорта тенгламанинг қайси тўпламда ўринли эканлигини аниқлашда ҳақиқий сонлар тўпламидан ҳам кенгроқ тўплам комплекс сонлар тўплами ҳам мавжудлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Ёки нолинчи даража, логарифм таърифларини тенглик кўринишда ёзилиши таъриф эканлиги ва улар исботланмаслиги айтиб ўтиш мумкин. Кўпинча масалалар ечимларини тавсифлашда уларнинг реал амалий ҳаётга мос келиш ёки келмаслигини

текшириш ҳам математика қўлланилиши моҳиятини тушунишга имкон беради.

**2. Тарбиявийлик принципи** ўқувчиларга фанга бўлган қизиқишни уйғотиш, янги билимларни ўзлаштиришга ҳаракатини, уларни эгаллаш ва мустақил кенгайтира олишга ўргатишни ўз ичига олади, шу билан бирга уларда тафаккурни шакллантириш, математик тушунча ва тасаввурлар билан бойитиш, хотира ва диққатни ривожлантириш, ижодий тафаккурни тарбиялаш каби ишларни амалга оширишни талаб этади.

Бу принцип ўқитищда ўқувчида зийраклик, топқирлик, ақллилик хислатлари билан бирга ирода, чидам, қўйилган мақсадга эришишда сабот, пухталик ва аниқлик, шунингдек ватанга муҳаббат каби ҳамда ростгуйлик, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатларни тарбиялаш ҳам математика дарсларида амалга оширилиш имкониятлари мавжудлигини ифодалайди.

**3. Кўргазмалилик принципи** математика ўқитишининг энг муҳим принципларидан бири бўлиб, у ўқувчиларнинг чуқур ва пухта билим олишлари учун асосий шароитларни таъминлашга хизмат қиласди. Кўргазмалилик математика ўқитищда қуий синфларда кенг қўлланилиши билан бирга айникса геометрия ўқитища кенг фойдаланилади. Бу принципни чех педагоги Я.А.Коменский асослаган, рус педагоги К.Д.Ушинский эса кўргазмалилик болалар руҳий хусусиятларига жавоб беради деб хисоблаган. У ўқувчилар тасаввурлар доирасини кенгайтиради, таълимда конкретлилик, қизиқувчанлик ва фикрлашни ривожлантиради.

**3. Онглилик, фаоллик ва мустақиллик принципини амалга ошириш қуийдаги шартларни бажаришни талаб этади:** ўқувчиларнинг фан маълумотларини, ўқув материалини эгаллаши, уни чуқур фикрлай олиши, билимларни янги шароитларда амалиётда қўллай олиш кўнимаси, билимларни ишончга, амалда қўлланмага айланиши сифатида тушунилади.

**4. Пухталик принципи** ўқувчиларнинг таълимни муваффақиятли давом эттиришлари учун, илмий дунёқарашни шакллантириш, уларни қобилиятларини ривожлантириш амалий фаолиятга тайёрлаш учун зарур.

**5. Табақалаштириш** ўқитищда ўқувчиларни ўз билим савияси ва қобилиятларига кўра гуруҳларга ажратган ҳолда, табақаларга бўлган ҳолда ўқитишини назарда тутади.

## E- Global Congress

Hosted online from Dubai, U. A. E., E - Conference.

Date: 29<sup>th</sup> February 2024

Website: <https://eglobalcongress.com/index.php/egc>

ISSN (E): 2836-3612

Шундай қилиб принциплар – математика ўқитишининг илмий педагогик қонуниятлари ва амалий педагогик тажрибани таҳлил қилиш натижасида вужудга келадиган асосий йўналтирувчи қоидалардир.

### References

1. A. A. Djalilov TRAINING BASED ON INNOVATIVE TECHNOLOGIES AND EDUCATIONAL PROGRAMS IN THE DEVELOPMENT OF STUDENTS'COMPETENCE// Uzbek Scholar Journal Volume- 25, February, 2024 [www.uzbekscholar.com](http://www.uzbekscholar.com)
2. Jalilov Anvar Abdulloyevich, Rustamov Anvar Normamatovich MATEMATIKA FANINI O`QITISHDA KASBIY MAZMUNLI MASALALARNING SIFATLI TA'LIMDAGI AHAMIYATI // "UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA MADANIY MUHITNI YARATISHNING PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR" MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMANI, MAY 15-16, 2023
3. Jalilov Anvar Abdulloyevich, Rustamov Anvar Normamatovich MAKTAB DARSLIKLARIDA FAZOVIY SHAKLLARNI O'RGANISHDA KASBIY KONTEKSTDAGI MASALALAR// PEDAGOGY OF COOPERATION IN IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION: INTERNATIONAL EXPERIENCE AND MODERN APPROACHES International scientific-practical conference, November 13, 2023
4. Жалилов А. А. ЯНГИ АХБОРОТ-ТАЪЛИМ МУҲИТИ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ИННОВАЦИОН ТАВСИФИ СИФАТИДА// Uzbek Scholar Journal Volume- 25, February, 2024 [www.uzbekscholar.com](http://www.uzbekscholar.com)
5. Хакимов А., Турсунова Э.М., Кодирова Ш.Т. ОБ ОДНОМ МЕТОДЕ ВЫЧИСЛЕНИЙ НЕСТАНДАРТНЫХ, НЕСОБСТВЕННЫХ ИНТЕГРАЛОВ// ВЕСТНИК НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ № 7 (110). Часть 3. 2021.
6. Хакимов А. , Боймуродов Ж.Х. , Кадирова Ш.Т. , Олтиев А.Б. ПЛОСКАЯ ЗАДАЧА ОБ АЭРОДИНАМИЧЕСКОМ ВЗАЙМОДЕЙСТВИИ ВСТРЕЧНЫХ СКОРОСТНЫХ ПОЕЗДОВ ПРЯМОУГОЛЬНОЙ ФОРМЫ В БЕЗГРАНИЧНОЙ ЖИДКОСТИ// ВЕСТНИК НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ № 9(87). Часть 2. 2020.